Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти

Манзил:Қарши шахри, Насаф куч.19-уй.Тел,+99891-453-79-14
Банк: Қишлоқ қурилиш банк Қарши ш. Фил. **МФО** 00155**, Х/р**.20208000604347269001 **СТИР:**205192434,
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг
2019 йил 01 апрель кунидаги 00749-сонли лицензиясига эга.

Ижобий фикр билдирилган
А У Д И Т О Р Л И К Х У Л О С А С И

Мен Жавлиев Шерқузи Мустафоевич **Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HOMBUR-AUDIT»** аудитор тошкилотининг аудитори (Узбекистон Республикаси Молия вазирлигинг 2016-йил 11-июндаги №05393 сонли малака сертификатига эга) томонидан хужалик юритувчи субъект **«NEFT VA GAZ ISHLAB CHIQARISHNI TA'MIRLASH» АЖнинг** Молиявий хисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот)дан иборат.

31.12.2019 йил холатидаги тузилган молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдик.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги.

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайерланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик тошкилотининг жавобгарлиги.

Аудиторлик тошкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **«NEFT VA GAZ ISHLAB CHIQARISHNI TA'MIRLASH» АЖнинг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви кушимча аудиторлик хисобот давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект **«NEFT VA GAZ ISHLAB CHIQARISHNI TA'MIRLASH» АЖнинг** 2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий хужалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ш.Жавлиев.**

07.09.2020 йил.